

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

40-сон
(904)
2019 йил
7 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

743. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги ПФ-5840-сон Фармони
744. «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5841-сон Фармони
745. «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги ПК-4467-сон қарори
746. «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концерт-мейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4468-сон қарори

Учинчи бўлим

747. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган хажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон қарори
748. «Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 октябрдаги 834-сон қарори
749. «Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги 840-сон қарори

Бешинчи бўлим

750. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 01-02/20-57-сон «Божхона органлари томонидан махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 835-1*)
751. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 97-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-1*)
752. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 437-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-2*)
753. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 438-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-3*)

754. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 344-В-2, 24-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-2*)
755. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 440-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 358-2*)
756. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 8-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 51-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-4*)
757. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 99-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-7*)
758. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 13қ/қ, 29-2019қ/қ-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3186*)
759. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 26 августдаги 324-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан кели-

шиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187*)

760. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/7-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-10*)

761. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/8-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-3*)

762. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 447-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1075-4*)

763. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 448-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 28 сентябрдан 4 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****743 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
ПФ-5840-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги
ПФ-5840-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг I бўлими қуйидаги мазмундаги 20-банд билан тўлдирилсин:

«20. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5325-сон Фармони 15-бандида:

иккинчи хатбошидаги «хомилани сунъий равишда тушириш» сўзлари «хомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«оналар ва болалар ҳамда фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ акушер-гинекологик ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК–4235-сон қарорида:

5-банддаги, 6-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 11-банднинг учинчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги «Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия» сўзлари тегишли келишиқдаги «Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова* матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

744 Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида**

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимиз, миллий ўзлигимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва шу асосда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан салоҳият ва имкониятларини дунёга намоён этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳунармандчилик санъати халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустақкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда ҳар йили мазкур йўналишда юздан зиёд фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўرғазмалари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Шаҳрисабзда мақом, Термизда бахшичилик санъатига бағишланган халқаро фестиваллар, Бухоро шаҳрида «Ипак ва зираворлар», Марғилонда «Атлас байрами» анжуманлари ўтказиб келинаётгани, уларда дунёнинг қўплаб давлатларидан маданият ва санъат намояндалари, бу йўналишда

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ўзининг илмий ишлари, амалий фаолияти билан танилган олимлар ва мутахассислар иштирок этаётгани диққатга сазовордир.

Жорий йил 10 — 15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида биринчи Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилгани, Жаҳон хунармандлар ташкилоти томонидан ушбу шаҳарга «Жаҳон хунармандлари шаҳри» мақоми берилгани ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди.

Жаҳон халқ амалий санъатини, унинг ажралмас қисми бўлган ўзбек миллий хунармандчилигини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган ана шундай эзгу ишлар ушбу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Ана шу омилларнинг барчасини эътиборга олиб ҳамда мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантириш, унинг миллий қадриятларимиз давомийлигини сақлаш, уларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрнини ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивалини (кейинги ўринларда — фестиваль) ҳамда фестиваль доирасида «Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияни (кейинги ўринларда — Илмий-амалий конференция) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

а) фестивалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистоннинг миллий хунармандчилик анъаналарини давом эттириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бой маданий меросини дунё ҳамжамияти ўртасида тарғиб этиш ва шу орқали жаҳондаги турли миллий маданият ва қадриятларни яқинлаштириш;

миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати соҳасининг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, «Қўқон — Жаҳон хунармандчилик шаҳри» брендини кенг тарғиб этиш ҳамда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш;

жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ушбу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш ҳамда бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш;

ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш;

б) илмий-амалий конференциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хунармандчилик соҳасидаги муаммоларни хорижий олимлар, эксперт ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда бу борада назарий ва амалий тажриба алмашиш;

хунармандчилик йўналишида фойдаланилмаётган имконият ва ресурсларни аниқлаб, соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

хунармандчилик соҳасида маданий ва тарихий жиҳатдан чуқур изланишлар олиб бориш, илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва амалга ошириладиган тадқиқотлар натижаларини оммалаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, фестиваль ва илмий-амалий конференция ўтказиладиган йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг таклифлари асосида ушбу тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда:

а) фестиваль ва илмий-амалий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича манзилли «йўл харитаси»ни тегишли йил февраль ойида ишлаб чиқиб, амалга ошириш тизимини жорий этсин;

б) фестивальга иқтидорли хунармандлар ва истеъдодли ёшларни жалб этиш мақсадида «Мен Қўқонга бораман» шиори остида икки босқичдан иборат қуйидаги кўرғазма ва кўрик-танловларни ташкил этсин:

биринчи босқич — туман (шаҳар)лар бўйича фестиваль ва илмий-амалий конференция ўтказиладиган йилнинг апрель ойида;

иккинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича фестиваль ва илмий-амалий конференция ўтказиладиган йилнинг июнь ойида.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда фестиваль ва илмий-амалий конференция ўтказиладиган йилнинг февраль ойида ушбу тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни;

тасдиқланган чора-тадбирлар асосида фестиваль ва илмий-амалий конференцияни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб боришни таъминласин.

6. Қуйидаги раҳбар ва мутасаддиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов — фестиваль ва илмий-амалий конференцияни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), Мада-

ният вазирлиги (Б. Сайфуллаев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аккулов) — тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларни уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш;

Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш. Фаниев) — Қўқон шаҳрида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, фестиваль ва илмий-амалий конференция ўтказиладиган майдон ва ҳудудларни талаб даражасида тайёрлашни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аккулов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш. Фаниев) — фестиваль ва илмий-амалий конференция қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б. Сайфуллаев), Савдо-саноат палатаси (А. Икромов) — тадбирларнинг тантанали очилиш маросимини ташкилий ва бадий жиҳатдан ҳар томонлама пухта тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, уста ҳунармандлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорларни кенг жалб этишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

7. «Ўзбеккино» миллий агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда фестивални тарғиб қиладиган қисқа ва тўлиқ метражли ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқсин ва уларнинг намойиш этилишини ташкил қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қурилиш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги Марғилон ва Қўқон шаҳарларини 2020 — 2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурда 2021 йилда фестивални юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча зарур инфратузилма объектларини, шу жумладан, замонавий меҳмонхона қурилишини инobatга олсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда «Хунарманд» уюшмаси ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш борасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида, уч ой муддатда тажрибали ҳунармандларни жалб этган ҳолда, хорижий тажрибани ўрганиб, Ўзбекистон Республикасининг «Хунармандчилик фаолияти тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 октябрь,
ПФ-5841-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**745 Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, республикамизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар улғайиб келаётган ўспирин иқтидорини янада ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, юрт равнақи йўлида уларнинг фаол иштирокини таъминлашни бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиламоқда.

Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хунарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги техник ижодиёт, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича «Баркамол авлод» республика болалар марказлари негизида Республика «Баркамол авлод» болалар мактабини;

«Баркамол авлод» туман (шаҳар) болалар марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказлари негизида «Баркамол авлод» болалар мактабларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари негизида «Болалар кутубхоналари»ни;

2020 — 2023 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тизимли равишда болалар туриз-

* Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 1 октябрда эълон қилинган.

мини ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ҳузурида 100 — 200 ўринли «Болалар сайёҳлик базалари»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

«Болалар кутубхоналари» умумтаълим муассасалари кутубхоналарига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон болалар бадиий адабиётлари дурдона асарларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, уларни китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, маданий-маърифий тадбирларни («Ёш китобхон», «Китобхон мактаб», «Энг яхши кутубхоначи» ва бошқалар) ташкил этишга кўмаклашиш;

«Болалар сайёҳлик базалари» «Баркамол авлод» болалар мактабларининг «ёш сайёҳ», «ёш экскурсовод», «ёш ўлкашунос» тўғарак аъзолари учун ўлкамиз тарихи, қадимий ва муқаддас қадамжолар, миллий урф-одатларимиз билан яқиндан таништириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраш, болалар ўртасида экология ҳамда саёҳат қилиш маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, бунда уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш ҳамда қизларни ижтимоий фаол ҳаётга тайёрлашни ташкиллаштириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материалларни доимий такомиллаштириб бориш;

робототехника, мехатроника, муҳандислик ва компьютер дастурий таъминоти йўналишларидаги тўғаракларни доимий ривожлантириб бориш;

болалар ва таълим туризмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

ўқувчи ёшларнинг ижодий ишларини оммалаштириш, шу жумладан дунё бозорига миллий анъаналаримиз асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўғарак аъзолари томонидан яратилган маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида «Art shop» электрон дўконларини ташкил этиш ва сотувини йўлга қўйиш;

мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчилар қамровини ошириш, ўқувчилар қизиқишларига кўра тўғаракларни ташкил этиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

болаларда касбни эгаллаш бўйича дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантириш, тармоқ тўғараклари фаолиятини методик таъминлаш, китобхонлик маданиятини ошириш учун мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини замонавий таълим дастурлари орқали такомиллаштириш;

етакчи ташкилотлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда

«Баркамол авлод» болалар мактабларида робототехника ва техник ижодиёт йўналишида фойдаланадиган хомашёлар рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш;

болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Болалар технопарки» лойиҳаларини ташкил этиш;

«Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»нинг халқаро ҳамда республика танловлари ғолибларини муносиб рағбатлантириш механизмларини йўлга қўйиш;

тизимда илмий ва амалий тажриба алмашиш ишларини олиб бориш мақсадида хорижий мамлакатларда ходимларнинг малака ошириши ҳамда мақсадли хизмат сафарларини ташкил этиш;

болалар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш, кўчма кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, болалар ва мактаб кутубхоналарини бадий адабиётлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўш турган бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш.

4. Қўйидагилар:

2019 — 2021 йилларда халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган «Баркамол авлод» болалар мактабларининг асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

2020 — 2023 йилларда янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган «Болалар кутубхоналари»нинг асосий параметрлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

«Баркамол авлод» болалар мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб «STEAM — таълим» (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — муҳандислик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури жорий этилади;

эксперимент тариқасида ҳар бир туманда битта умумий ўрта таълим мактабларида муассаса моддий-техника базасидан келиб чиқиб ҳамда ўқувчилар қизиқишига кўра «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тармоқ тўғарақлари ташкил этилади;

мазкур қарорнинг 4-бандида кўрсатилган «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, шунингдек, мазкур объектларни жиҳозлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда ту-

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб «Баркамол авлод» болалар мактабларини махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Таълим» соҳаси учун ажратилган маблағлар доирасида ва «Баркамол авлод» болалар мактабларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

200 ўқувчига мўлжалланган «Баркамол авлод» болалар мактаблари, 100 — 200 ўринли «Болалар сайёҳлик базалари», 100 ўқувчига мўлжалланган «Болалар кутубхоналари»ни янгидан қуриш ишлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан келишилган якка тартибда тасдиқланган лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилиш манзилли дастурини шакллантиришда «Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар сайёҳлик базалари», «Болалар кутубхоналари»нинг аниқ сони ва рўйхатини кўрсатган ҳолда, уларнинг янгиларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, зарур хомашё ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин;

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан манзилли дастурларни шакллантиришда Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш орқали 200 ўринли «Болалар сайёҳлик базаси» қурилиши ҳамда зарур хомашё ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлган капитал қўйилма лимитлари ажратилишини назарда тутсин.

7. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2024 йилларда Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

«Баркамол авлод» болалар мактабларини 2024 йилга қадар 50 фоиз олий маълумотли мутахассислар билан тўлдириш (жами тўғарак раҳбарлари сонига нисбатан);

ўқувчиларни «Баркамол авлод» болалар мактабларига қамраб олиш

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даражасини 10,5 фоизга етказиш (умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сонига нисбатан);

«Баркамол авлод» болалар мактабларида 2024 йилга қадар давлат-хусусий шериклик асосида робототехника ва муҳандислик тўғараклари улушини 10 фоизга етказиш (жами тўғараклар сонига нисбатан);

«Болалар кутубхоналари» ва мактаб кутубхоналари учун жаҳон ва миллий адабиёт дурдоналарига кирувчи асарларнинг аудиокитоб шаклини яратиш;

барча «Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар кутубхоналари» ва мактаб кутубхоналарини кенг полосали Интернет тармоғига улаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

икки ой муддатда «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари» тўғрисидаги намунавий низомлар ҳамда уларнинг тузилмаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Баркамол авлод» болалар мактаби ва «Болалар кутубхоналари»ни намунавий жиҳозлаш меъёрини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 январдан бошлаб «Баркамол авлод» болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик, дастурлаш ва хорижий тилларни ўрганиш тўғаракларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиш чораларини кўрсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби мисолида «Баркамол авлод» болалар мактаблари биноларига (шу жумладан кўринишига) ҳамда уларнинг ўқув-услубий ва таълим жараёнига бўлган талабларни ўз ичига олган концепцияни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари ва тўғарак раҳбарларини тегишли мутахассислик йўналишида малака ошириш тизимини жорий этиш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Мактабдан ташқари таълим тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси (кейинги ўринларда — Кафедра) ташкил этилсин.

Замонавий таълим технологиялари асосида, шу жумладан масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда ихтисослаштирилган тўғараклар йўналишлари бўйича халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимларини малака оширишнинг ва қайта тайёрлашнинг амалдаги нормаларига мувофиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Кафедранинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Кафедра фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга йўналтирилаётган маблағлар доирасида амалга оширилади;

Кафедра Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 72-А уй манзилига бепул жойлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Баркамол авлод» болалар мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкаларини 2020 йил 1 январдан:

директор ва директор ўринбосарлари учун 1,55 бараварга;

тўғарак раҳбари учун 1,5 бараварга ошириш;

инструктор-услугчилар ва услубчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб амалга ошириш ва уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини тўғарак раҳбарлари базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Баркамол авлод» болалар мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкаларини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар қизиқишига кўра «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тармоқ тўғаракларини ташкил этиш учун зарур маблағлар манбаси юзасидан таклиф киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

«Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар сайёҳлик базалари» ва «Болалар кутубхоналари»ни янгидан қуриш учун майдонларни танлашда тасдиқланган меъёр ва параметрларга мувофиқ, қоида тарихида, туман ва шаҳарларнинг марказида, турар-жой массивларида жойлаштирилишини ҳисобга олсин;

2020 — 2022 йилларда болалар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида кўчма кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва улар учун шарт-шароитлар яратиш бўйича шерик сармоядорлар ва тадбиркорларни жалб қилган ҳолда таълим лабораторияси, робот дунёси ва турли ижодкорлик йўналишларини қамраб олган «Kids такон» бизнес лойиҳасини амалга ошириш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Хунар-

манд» уюшмаси робототехника ва техник ижодиёт, бадий ижодиёт ҳамда экология ва туризм йўналишлари бўйича «Баркамол авлод» болалар мактабларининг касбий йўналишларига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни ривожлантириш, моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан хомашёлар харид қилиш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

17. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматовга — халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш бўйича вазифаларни тўлақонли амалга ошириш, Кафедра фаолиятини самарали йўлга қўйиш, соҳага замонавий таълим технологияларини жорий қилиш, шу жумладан янги тўғаракларни ташкил қилиш, «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, мазкур мактабларни жиҳозлаш ишлари ўз муддатларида амалга оширилишини таъминлаш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенг жорий қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, 3 а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Республика «Баркамол авлод» болалар мактабини жойлаштириш учун Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳукуқи асосида бегараз ўтказиб берилсин.

19. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун ўқувчиларнинг муҳандислик, робототехника, меҳатроника ва дастурий таъминот йўналишлари бўйича ўқув машғулотларда фойдаланиш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш юзасидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган, хориждан олиб келинадиган хом ашёлар ва жиҳозлар».

21. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
ПҚ-4467-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

746 Болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида*

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим-тарбия бериш сифатини янги босқичга кўтариш, кўп йиллар давомида ўзининг фидокорона хизматлари билан таълим самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар ва педагог ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ижодий маҳорати ва меҳнати муносиб рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг болалар мусиқа ва санъат мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкаларини 2019 йил 1 октябрдан:

директор ва директор ўринбосарлари учун — 1,5 бараварга;

ўқитувчилар ва концертмейстерлар учун — 1,25 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

* Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 1 октябрда эълон қилинган.

а) болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқув-тарбия жараёнини тубдан яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида: таълим сифатини баҳолашнинг замонавий тизимини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни назарда тутган ҳолда ўқув режа ва дастурларни қайта кўриб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

б) болалар мусиқа ва санъат мактаблари:

раҳбар ходимлари лавозимига номзодларни танлов асосида саралаш амалиётини жорий қилиш ва уларни рағбатлантиришни кучайтириш;

раҳбар ходимларининг масофадан туриб малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш ва қамровини кенгайтириш;

ўқитувчилари ва концертмейстерларига нисбатан малака талаблари, улар фаолиятини баҳолаш тизими ҳамда таълимнинг мазмун ва сифатига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун талаб этиладиган зарур маблағларни 2019 йил учун ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
ПҚ-4468-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

747 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) шакллантирувчи ваколатли орган ҳисобланади.

Рўйхатга мувофиқ тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли молия йили учун «Соғлиқни сақлаш» моддаси бўйича ажратиладиган маблағлари доирасида молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2019 йил 20 декабргача бўлган муддатда Рўйхатни ишлаб чиқсин ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида 31 декабргача жойлаштира син ҳамда уларни келгуси йилларда ҳам шу муддатларда ҳар йили янгилаб борсин;

республиканинг барча давлат тиббиёт муассасаларида Рўйхатдан тегишли кўчирмалар (давлат тилида ва рус тилида) мазкур муассасалар фаолияти ихтисослигига мувофиқ ҳар йили 31 декабргача мажбурий жойлаштирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштира син.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
832-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган
ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига кирадиган тиббий ташкилотларда тиббий ёрдам кўрсатишга татбиқ этилади.

3. Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли молия йили учун «Соғлиқни сақлаш» моддаси бўйича назарда тутилган маблағлари доирасида тузилади ва тасдиқланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари — аҳолиға Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиладиган тиббий ёрдам;

тиббий ёрдам — инсон саломатлиги ҳолатини баҳолаш ва унга тиббий таъсир кўрсатиш, шу жумладан тиббиёт ходимлари томонидан профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация қилиш ва паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс тадбирлар;

тиббий хизмат — профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация қилишга қаратилган, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш вақтида кўрсатиладиган, мустақил яқунланган аҳамият ва қиймат хусусиятига эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатлар тўплами;

кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам — бемор ҳаётига хавф соладиган аниқ белгилари бўлмаган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури;

тез тиббий ёрдам — бемор ҳаётига хавф соладиган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда шошилиш кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури;

шошилиш тиббий ёрдам — касалликларга чалинганда, бахтсиз ҳодисалар юз берганда, жароҳат олганда, заҳарланганда ва тез тиббий аралашув ҳар қандай шароитда кўрсатилишини талаб қиладиган бошқа ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Шошилиш тиббий ёрдам кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдамни ўз ичига олади;

режали тиббий ёрдам — профилактика тадбирлари ўтказишда, бемор ҳаётига хавф солмайдиган, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам талаб қилмайдиган касалликлар ва ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Бундай ёрдамнинг муайян вақт кеч кўрсатилиши бемор ҳаётининг ёмонлашишига, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолишига сабаб бўлмайди;

паллиатив тиббий ёрдам — бедаво дардга чалинган беморларнинг ҳаётини яхшилаш мақсадида оғриқдан халос қилишга ва касалликнинг бошқа оғир кўринишларини енгиллаштиришга қаратилган тиббий аралашувлар комплексини ифода этадиган тиббий ёрдам тури;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами — амбулатория шароитида кўрсатиладиган ва профилактика қилиш, ташхис қўйиш, касалликларни даволаш, ҳомиладорлик кечишини кузатиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолини санитария-гигиена хусусида хабардор қилиш бўйича тадбирларни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури;

клиник баённома — муайян синдромли аниқ бир касалликка чалинганда ёки тиббиёт ташкилотигаги муайян клиник вазиятда беморга тиббий ёрдам кўрсатишга қўйилган минимал талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

тиббий ёрдамнинг сифат стандарти — муайян вақт давомида тиббий ёрдам даражасига эришишни акс эттирувчи нормалар, қоидалар ва талаблар тўпламини ўз ичига оладиган ҳужжат. Тиббий ёрдамнинг сифат стандартлари тиббий фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади ва улар томонидан тиббий ёрдам кўрсатишда режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади;

ихтисослашган тиббий ёрдам — махсус усуллар ва мураккаб тиббиёт технологияларидан фойдаланишни талаб қиладиган касалликлар ва ҳолатларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашни (шу жумладан ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда),

шунингдек, тиббий реабилитация қилишни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури;

юқори технологик тиббий ёрдам — янги мураккаб ва (ёки) даволашнинг ноёб усулларини, шунингдек, самарадорлиги илмий исботланган даволашнинг ресурс тежайдиган усулларини, шу жумладан тиббиёт фани ва илм-фан ҳамда техниканинг ўзаро боғланган тармоқлари ютуқлари асосида ишлаб чиқилган хужайрали технологияларни, роботлаштирилган техникани, ахборот технологияларини ва ген инженериясини ўз ичига олган ихтисослашган тиббий ёрдам тури.

2-боб. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини аниқлаш принциплари ва мезонлари

5. Қўйидагилар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини аниқлаш принциплари ҳисобланади:

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан фойдалана олиши;

бирламчи тиббий-санитария ёрдам тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган профилактика чора-тадбирлари ва тиббий хизматлар устуворлиги;

тиббий хизмат турларининг тиббиёт муассасалари даражалари бўйича табақаланиши, шунингдек, кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг мураккаблигига қараб уларни кўрсатиш изчиллиги;

тиббий хизматлардан фойдаланиш ва уларни тақдим этиш жараёнининг ошқоралиги.

6. Рўйхатга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини киритишда қўйидаги мезонларга риоя этилишини таъминлаш керак:

молиялаштиришда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг юқори даражасига эришишни, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини бажаришни таъминлайдиган тиббий ёрдам турларига кўпроқ эътибор берилади;

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари устувор тартибда профилактика, реабилитация тадбирлари ва паллиатив ёрдам хизматларини қамраб олиши, шунингдек, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари бўйича етакчи бўлган асосий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашга қаратилган бўлиши керак.

3-боб. Рўйхатни шакллантириш

7. Рўйхат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, тегишли молия ва режали давр учун Давлат бюджети параметрлари тасдиқлангандан кейин 15 кундан кечикмай ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Рўйхат тиббий ёрдамнинг қўйидаги турлари бўйича шакллантирилади:

шошилич тиббий ёрдам;

режали тиббий (шу жумладан бирламчи тиббий-санитария) ёрдам;

ихтисослашган (шу жумладан юқори технологик) тиббий ёрдам;

паллиатив тиббий ёрдам.

9. Рўйхатга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан дори-дармонлар, сарфлаш материаллари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш киритилади.

10. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини шакллантиришда шошилич тиббий ёрдам ҳажми чекланиши мумкин эмаслиги ҳисобга олинади. Бунда била туриб ёлгон шошилич ёрдам сўраб қўнғироқ қилган шахслар ва худди шунингдек уни кўрсатишни асосиз рад этган шахслар белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

11. Рўйхат тиббий хизматлар турлари ва ҳажмлари белгилаб олинган ҳолда, тиббиёт ташкилотлари даражаси бўйича шакллантирилади.

Клиник баённомалар, шунингдек, тиббий ёрдамнинг сифат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

12. Рўйхатни шошилич тиббий ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажат турлари ҳисобга олинади:

транспорт харажатлари, шу жумладан беморларни шошилич ёрдам кўрсатиладиган жойга, шунингдек, шошилич ёки кечиктириб бўлмайдиган кўрсатмалар бўйича бир тиббиёт муассасасидан иккинчисига транспортда олиб бориш, ташхис қўйиш, даволаш, шу жумладан дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган кўрсаткичлар бўйича стационарда бўлиш;

шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича стационарда бўлиш даврида овқатланиш.

13. Рўйхатни бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутахассислари ва ихтисослашган мутахассислар томонидан амбулатория шароитларида ва кундузги стационар шароитларда кўрсатиладиган режали тиббий ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

а) катта ёшли аҳолини бир йилда икки марта, энди турмуш қурадиганларни профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш, давлат бюджет ташкилотларининг ходимларини бирламчи ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш;

б) ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагилар учун хавф соладиган касалликлардан азият чекаётган фуқароларни, шунингдек, сурункали касалликлардан азият чекаётган шахсларни диспансерда кузатиш;

в) чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирув ёшидаги (18 — 27 ёш) шахсларни текшириш ва даволаш;

г) оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан:

хомиладор аёлларни хомиладорлик ёки гестация давомида (камида 7 марта) ўтказиладиган организмнинг бўйида бўлишдан бошлаб туғилгунича қорин ичида нормал ривожланшини таъминлаш мақсадида амалга ошири-

ладиган комплекс ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика тадбирларини назарда тутувчи вантенатал (туғишгача) парвариш қилиш;

хомила аномал ўсишининг олдини олиш учун 16 — 20 ҳафталик муддатларда хомиладорларнинг хавfli гуруҳини скрининг текшириш;

хомиладорларга ОИВ инфекцияси хусусида маслаҳат бериш ва текшириш;

туғдириш;

чақалоқларда ирсий ва туғма касалликларни эрта аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш мақсадида уларни неонатал скрининг ёки оммавий текшириш;

чақалоқларни ва 1 ёшга тўлмаган болаларни аудиологик скрининг текшириш;

туғилгандан кейин 42 кун давомида парваришлаш ва маслаҳат бериш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ эмлаш;

18 ёшга тўлмаган болаларни текшириш ва даволаш;

оилани режалаштириш масалалари юзасидан маслаҳат бериш.

14. Рўйхат белгиланган тартибда бериладиган йўлланмалар бўйича туман, шаҳар, вилоят, республика даражасидаги ташкилотларда стационар шароитларда кўрсатиладиган ихтисослашган (шу жумладан юқори технологик) тиббий ёрдам бўйича тасдиқланган ҳажмлар доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш навбатини қайд этадиган электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда квоталаш орқали тартибга солинади.

15. Рўйхатни паллиатив ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажат турлари ҳисобга олинади:

а) зарур ҳажмларда дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

б) стационар/хосписда бўлиш билан боғлиқ харажатлар (койка-ўринни таъминлаш);

в) белгиланган нормаларга мувофиқ овқатланиш.

16. Жисмоний шахсларнинг қуйидаги тоифалари тиббий кўрсатмалар бўлганда асослантирилган мурожаатлар билан Рўйхатга киритилган тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

чет эл фуқаролари.

4-боб. Яқунловчи қоида

17. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**748** Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 майдаги ПФ-5721-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда республикада заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва уларнинг реализациясини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 октябрь,
834-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 2 октябрдаги 834-сон қарорига
ИЛОВА

**Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт
қилиш ва уларнинг реализацияси мониторингини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси мониторингини амалга ошириш (кейинги ўринларда мониторинг қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси мониторинги ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт
қилиш ва уларнинг реализацияси бўйича маълумотларни
шакллантириш тартиби**

3. Қуйидагилар идоралараро ахборот алмашинуви воситаси орқали:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қимматбаҳо металллар сотиб олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга лицензия;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республика ҳудудига олиб кирилган ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштирилган заргарлик буюмлари (ТИФ ТН позицияси 7113 — 7116), қимматбаҳо металл ва тошлар (ТИФ ТН позицияси 7101 — 7112) тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржаси биржа савдолари орқали қимматбаҳо металлларни сотиб олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида;

д) «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти қимматбаҳо металллар сотиб олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб боради.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Келиб тушган ҳамда мавжуд бошқа ахборотлар асосида Давлат солиқ қўмитасида заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилади.

3-боб. Мониторинг қилиш тартиби

5. Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ шакллантирилган маълумотлар тадбиркорлик субъектларининг давлат солиқ хизмати органларига топширган ҳисоботлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тугатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган ташкилотлардан олинган маълумотлар билан солиштириш орқали камерал назоратдан ўтказилади.

Бунда қуйидагиларга аҳамият қаратилади:

а) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришга лицензия мавжудлиги;

тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган солиқ ҳисоботларида реализация қилинган маҳсулотлар миқдори тўғри кўрсатилганлиги;

б) заргарлик буюмлари импорти амалга оширилганда:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш ва (ёки) заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун гувоҳноманинг мавжудлиги;

импорт қилинган заргарлик буюмларининг миқдори реализация миқдorigа мувофиқлиги;

заргарлик буюмларининг импорт ва реализация миқдорларини тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги кўрсаткичларга мувофиқлиги;

в) заргарлик буюмларини реализация қилиш бўйича:

заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилиш гувоҳномасининг мавжудлиги;

турғун савдо шохобчасида фаолият юритилганда назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан белгиланган тартибда жиҳозланганлиги;

сотиб олинган ва реализация қилинган маҳсулотлар суммасининг ўзаро мувофиқлиги;

ҳисобот даврида маҳсулот реализациясидан тушумлар миқдорининг давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органлари ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам таҳлил қилиниши мумкин.

4-боб. Мониторинг натижаси бўйича кўриладиган чоралар

6. Ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ўтказилган камерал назорат натижасига кўра тафовутлар мавжудлиги аниқланса, солиқ тўловчига унинг ҳисоботларига тегишли тузатишлар киритиш ҳамда камчиликларни барта- раф этиш юзасидан белгиланган тартибда талабнома юборилади.

7. Камерал назорат натижалари бўйича солиқ тўловчи томонидан тақ- дим этилган ахборотнинг ишончилигини тасдиқлаш лозим деб топилган ҳолларда, белгиланган тартибда мавзули экспресс-ўрганиш амалга ошири- лади.

8. Камерал назорат ва (ёки) мавзули экспресс-ўрганиш, шунингдек, ўтказилган текширишлар натижасига кўра тадбиркорлик субъектлари то- монидан асиллик даражасини белгилаш ёки тамғалашнинг белгиланган тар- тибини бузиш, шунингдек, кирим қилинмаган заргарлик буюмларини сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб- да солиқлар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш ва белгиланган тартибда жа- вобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида жиноят аломатлари мавжуд деб топилган ҳолларда, материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тар- тибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

9. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган солиқ назора- ти тадбирларига белгиланган тартибда мутахассислар (экспертлар) жалб этилиши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоида

10. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**749 Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг
Тошкент филиалини ташкил этиш тўғрисида***

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида ветеринария хизмати ва чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш ҳамда наслчилик-селекция ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассислар билан таъминлаш вазифаларини кечиктирмай ҳал этиш борасида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Хусусан, Фарғона (148 нафар), Наманган (99 нафар), Андижон (35 нафар) ва Тошкент (136 нафар) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (25 нафар) ветеринария хизматларида жами 450 нафардан зиёд олий маълумотли мутахассис этишмаслиги сабабли уларнинг ўрнига ўрта махсус маълумотли ёки нафақа ёшидаги мутахассислар фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш ҳамда идоравий ва ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари кўрсатишни ташкил этишда ҳам олий маълумотли малакали кадрларга эҳтиёж юқорилиги сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудлардаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш, ветеринария участкаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, соҳани илм-фан ютуқлари асосида ташкил этиш, илмий асосланган инновацион услубларни жорий этиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишни янада такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжига мувофиқ ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун янги ва замонавий билимларга эга бўлган юқори малакали кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

ветеринария ва чорвачилик таълими мазмунида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацион ғоялар ва ишланмалар, юқори

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 октябрда эълон қилинган.

унумли ва ресурс тежамкор технологиялар асосида билим бериш, ўқув-лаборатория базасини ривожлантириш, таълим жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини жалб этган ҳолда, ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантиришда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш, хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва тажриба орттиришини ташкил этиш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда соҳанинг илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, сотишга ихтисослашган ҳамда наслчилик-селекция фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар базасида талабаларнинг амалиётларини ташкил этиш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларига истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалида кадрлар тайёрлаш бўйича бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида зарур шахсий ҳисобварақларига эга бўлади;

Филиалда ўқитиш мослаштирилган ўқув режалар ва дастурлар асосида ташкил этилади;

Филиалда ўқув жараёни 2020/2021 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бир-

галикда Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги фаолияти мақбуллаштирилаётган қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежларнинг ветеринария ва чорвачилик соҳасига оид ўқув лабораториялари, тегишли ўқув жиҳозларини Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг филиалларига бериш бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Филиалнинг уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Филиалда ахборот-ресурс марказини таянч олий таълим муассасаси томонидан қўшимча ўқув, илмий ва бадий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси, Халқа йўли кўчаси 9-уй манзилида жойлашган Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежининг бино ва иншоотлари, мавжуд 200 ўринли ётоқхонасини тегишли ҳудуди билан биргаликда Филиалга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи лаборатория биносининг тегишли қисмига Тошкент шаҳар Асаларичилар уюшмасини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи ўқувчилари ўқишни битиргунларига қадар Филиал биноларида ўқув жараёни давом эттирадилар.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиални сақлаш харажатларини 2019 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет

параметрлари доирасида, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

10. Филиалга 2 та енгил хизмат, шу жумладан 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга биноан 2022 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларини шакллантиришда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Филиалнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш лойиҳалари ушбу дастурларга белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 октябрь,
840-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 3 октябрдаги 840-сон қарорига
ИЛОВА

**Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг
Тошкент филиалида кадрлар тайёрлаш бўйича бакалавриат
таълимнинг асосий йўналишлари
РЎЙХАТИ**

Шифр	Бакалавриат таълим йўналиши номи
5410600	Зооинженерия (турлари бўйича)
5440100	Ветеринария медицинаси (турлари бўйича)
5440400	Ветеринария — санитария экспертизаси
5440300	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****750 Божхона органлари томонидан махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 835-1

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 6 августда тасдиқланган Божхона органлари томонидан махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 835, 1999 йил 9 ноябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 26 сентябрь,
01-02/20-57-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**751** Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-1

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон буйруғи (рўйхат рақами 3105, 2018 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51-сон, 986-модда) билан тасдиқланган Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 сентябрь,
97-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги
97-сон буйруғига
ИЛОВА

**Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-бандда:

«в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжат ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасида олинган олий маълумот ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш гувоҳномаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);»;

«д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳ-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

нат дафтарчаси тизимидан кўчирма) (нусхаси олиниб, асли қайтарилди), (ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим);»;

«ж» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдо-рида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.»

2. 13-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилишига асос бўлиб хизмат қилган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга 15 кундан кўп бўлмаган муддат берилди.

Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш уч кун мобайнида амалга оширилади. Талабгорнинг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Агар малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилишига асос бўлиб хизмат қилган камчиликлар 15 кун мобайнида бартараф этилмаса, бунда талабгорнинг аризаси янгидан тақдим этилган деб ҳисобланади.»

3. 14-банднинг рус тилидаги матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. При принятии решения о допуске претендента к сдаче квалификационного экзамена он включается в список лиц, допущенных к сдаче квалификационного экзамена, и этот список передается в экзаменационную комиссию перед началом квалификационного экзамена. При этом квалификационный экзамен проводится по мере формирования группы, но не реже одного раза в квартал.»

4. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этади.»

5. 19-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Талабгор паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим қилмаганда ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда малака имтиҳонига қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган ҳисобланади.»

6. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Агарда талабгор, уни мазкур Низомда назарда тутилган тартибда хабардор қилинганидан сўнг, икки мартаба малака имтиҳонини топширишга келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилди. Бунда аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.»

7. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Тест синови қўйидаги бўлимлар бўйича 80 та саволдан иборат бўлади:

молиявий ҳисоб;

бошқарув ҳисоби ва молиявий таҳлил;

аудит;

солиқ солиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун тўрт соат вақт тақдим этилади.

Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.».

8. 25-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. 26-бандда:

биринчи хатбошиси «уяли телефондан» деган сўзлардан кейин «ёки бошқа ахборот технология воситаларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси «уяли телефон» деган сўзлардан кейин «ёки бошқа ахборот технология воситалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10. 28-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор, малака имтиҳонини топширган санадан камида бир ой ўтгандан сўнг малака имтиҳонини қайта топшириш учун мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин.».

11. 32-банддаги «мутахассиснинг» деган сўз «аудиторнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 35-банддаги «талабгор» деган сўз «аудитор» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Малака сертификати дастлаб беш йиллик муддатга, талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда, ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорларга малака имтиҳонини топширмасдан берилади.

Дастлабки беш йиллик муддат тугагандан сўнг унинг амал қилиш муддатини навбатдаги ўн йилга узайтириш, аудитор малака имтиҳони муваффақиятли топширганда ёхуд аудитор халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

Малака сертификатини кейинги муддатсиз даврга узайтириш аудитор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёхуд аудитор халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлганда ёки ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажидан мавжуд бўлганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун ҳужжатлар мазкур Низомнинг 37-бандига мувофиқ тақдим этилганда, малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза тақдим этилган санадан бошлаб малака сертификатининг амал қилиш муддати тугаши санасигача бўлган вақт оралиғи аудитор сифатида узлуксиз иш стажини ҳисоблашда инобатга олинади.

Аудитор лавозимида тайинлашлар оралиғидаги вақт бир ойдан ошмаган бўлса, ушбу давр аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажини аниқлашда узилиш деб ҳисобланмайди.».

14. 37-бандда:

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг

50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов хужжати нусхаси;»;

«д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма) (нусхаси олиниб, асли қайтарилди).».

15. 39-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агарда аудитор, уни мазкур Низомда назарда тутилган тартибда хабардор қилинганидан сўнг, малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонини топширишга келмаса, малака сертификатининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, тақдим этилган хужжатлар (малака сертификатининг асл нусхасидан ташқари) қайтарилади. Бунда аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.».

16. 41-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 45-банддаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан келишилган.

*Ўзбекистон бухгалтерлар
ва аудиторлар миллий
ассоциацияси Кенгаши раиси*

М. ТУЛАХОДЖАЕВА

2019 йил 11 сентябрь

*Ўзбекистон аудиторлар
палатаси Кенгаши раиси*

Н. КАРИМОВ

2019 йил 11 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**752 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 30 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Иқтисодиётдаги ноишлаб чиқариш тармоғидаги универсал касб мутахассислари ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядлар тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1027, 2001 йил 14 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 01/00-04/09-7387-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2001 йил 5 апрелдаги 1, 34-сон «Иқтисодиётдаги ноишлаб чиқариш тармоғидаги универсал касб мутахассислари ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядлар тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1027, 2001 йил 14 апрель) ҳамда 2013 йил 26 мартдаги 19-П, 31-сон «Иқтисодиётдаги ноишлаб чиқариш тармоғидаги универсал касб мутахассислари ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1027-1, 2013 йил 4 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
437-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

753 «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 6 октябрдаги 221-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2012, 2009 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 444-модда) 2-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бош-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

қармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий бази-сида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси би-лан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Таш-кулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
438-мҲ-сон

Келишилган:

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 30 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

754 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
344-В-2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2019 йил 24 августдаги
344-В-2, 24-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«**учинчи томон** — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғ-
лиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар.».

2. 21-банднинг «а» кичик банди олтинчи хатбошисидаги ва «б» кичик
бандидаги «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» де-
ган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Нобанк кредит ташкилотлари мазкур Қоидаларнинг 22-банди
иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим
даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи то-
монларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин.
Бунда нобанк кредит ташкилотлари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзаси-
дан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмас-
дан олиш имкониятига эга бўлиши;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш
маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида ке-
чиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллашти-
ришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молия-
лаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари асосида
ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Нобанк кредит ташкилотлари мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи
хатбошиларида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақ-

дирда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши керак.

Нобанк кредит ташкилотлари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади ҳамда мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.

Нобанк кредит ташкилотлари шартномада ва (ёки) шартнома офертасида, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим.».

4. 26-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26. Нобанк кредит ташкилоти томонидан жисмоний шахс — мижозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) ёки мижознинг биометрик маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда нобанк кредит ташкилоти жисмоний шахс — мижоз идентификацияси:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилганда ушбу ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши;

биометрик маълумотлар асосида амалга оширилганда ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим.».

5. 33-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«мижознинг шахсан ўзи ёки унинг вакили бўлмаган ҳолларда хизмат кўрсатиш, нобанк кредит ташкилоти аввал тақдим этилган, текширув даврига ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлар асосида идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлган ёки мижозларнинг биометрик маълумотлари асосида идентификация қилинган, шунингдек учинчи томонлар амалга оширган мижозларни лозим даражада текшириш натижаларига нобанк кредит ташкилотлари ишонган ҳолатлар бундан мустасно;».

6. 35-бандда:

1-кичик бандда «энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-кичик бандда «энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 40-банднинг «ж» кичик бандида «энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**755 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 358-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 26 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг эгаларига ветеринария хизматини кўрсатиш қоидаларини (рўйхат рақами 358, 1997 йил 17 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 сентябрдаги 02/11-1406-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан 1997 йил 1 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг эгаларига ветеринария хизматини кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 358, 1997 йил 17 август);

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2017 йил 10 мартдаги 31-сон «Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг эгаларига ветеринария хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 358-1, 2017 йил 24 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 октябрь,
440-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

756 «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 51-илова-
сига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3083/2143-сон) билан тасдиқланган 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллариининг 51-илоси иловага** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 сентябрь,
8-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**757 Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-7

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон «Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 483-модда) билан тасдиқланган Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
99-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги
99-сон буйруғига
ИЛОВА

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 10-банднинг иккинчи хатбошиси «дафтарчаси» деган сўздан кейин «, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

2. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Инспектор аризачи ёки ташкилот вакилига тақдим этилган ҳужжатларнинг (меҳнат дафтарчаси, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати, архив маълумотлари, ташкилот томонидан тақдим этилган маълумотномалар, яқка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси, оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор томонидан меҳнат шартномаси бўйича ёлланган ходимлар учун) томонидан 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун эса ягона ижтимоий тўлов тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар ва солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияларидан ташқари) асл нусхаларни қайтаради ва унга аризанинг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда, ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беради, бунда тилхат нусхаси тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади. Меҳнат дафтарчасининг, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия тайинлаш комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия деб юритилади) томонидан пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг аризачига қайтарилиши шарт.

Меҳнат дафтарчаси, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш аризасининг орқа томонига меҳнат дафтарчаси, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати олинганлиги тўғрисидаги санасини кўрсатган ҳолда аризачи ёки ташкилот вакилининг имзоси билан қайтарилади.».

3. 12-иловада:

а) «Ёшга доир нафақа тайинлаш бўйича йиғмажилдда» бўлимининг 4-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 4. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар (никоҳ тўғрисида гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси нусхалари ва б.) »;

б) «Ногиронлик нафақаси тайинлаш бўйича йиғмажилдда» бўлимининг 5-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 5. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар (никоҳ тўғрисида гувоҳнома нусхаси ва б.) ».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

758 **Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3186

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2019 йил 1 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 11/ҚК, 28-ҚК-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3122, 2019 йил 18 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 10/19/3122/2503-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион
ривожланиш вазири**

И. АБДУРАХМОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 сентябрь,
13қ/қ-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 сентябрь,
29-2019қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2019 йил 20 сентябрдаги 13қ/қ,
29-2019қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон
қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига
фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг
илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар
ходимларининг базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

		<i>(сўм)</i>
Т/р	Лавозимларнинг номи	2019 йил 1 августдан бошлаб
1.	Институт директори	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	7 040 385
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 730 020

		(сўм)
T/p	Лавозимларнинг номи	2019 йил 1 августдан бошлаб
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	6 468 660
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 370 650
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	6 043 950
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонига эга бўлган	5 553 900
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	6 337 980
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 945 940
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 766 255
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 043 950
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 766 255
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 341 545
5.	Бош илмий ходим	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	6 043 950

		(сўм)
Т/р	Лавозимларнинг номи	2019 йил 1 августдан бошлаб
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	5 684 580
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	5 423 220
6.	Етақчи илмий ходим	
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	5 112 855
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	4 786 155
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	4 361 445
7.	Катта илмий ходим	
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	4 459 455
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	4 198 095
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	3 838 725
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган	3 936 735
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	3 675 375
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	3 414 015
9.	Стажёр тадқиқотчи	3 021 975

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 20 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

759 Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ–4366-сон «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюрман:**

1. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор в. б.

К. АЛЛАМЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 август,
324-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги директорининг 2019 йил
26 августдаги 324-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати
раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари
билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш
самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ–4366-сон «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизмати раҳбарларини (бундан буён матнда ахборот хизмати раҳбари деб юритилади) лавозимга тайинлаш масаласини тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари билан келишиш, шунингдек уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
Агентлик — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;

ҳудудий бошқармалар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари;

давлат органлари ва ташкилотлари — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

2. Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот хизмати раҳбарлари Агентлик билан келишилган ҳолда, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарлари ҳудудий бошқармалар билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ҳамда улар томонидан аттестациядан ўтказилади.

2-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлаш масаласини келишиш

3. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати раҳбари лавозимига тайинлашга тақдим этилган номзодларни (бундан буён матнда номзод деб юритилади) Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш уларнинг тавсия этилган лавозимга лаёқатини ва касбига муносиблигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

4. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлаш масаласини келишиш учун бир ёки ундан ортиқ номзод тавсия этилиши мумкин.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари номзодни лавозимга тайинлаш масаласини келишиш учун Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларига қўйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг номзодни лавозимга тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаси;

номзоднинг анкетаси;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд хорижий таълим муассасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

Ахборот хизмати раҳбари лавозимига келишиш учун бир ёки ундан ортиқ номзодлар тавсия этилганда, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар ҳар бир номзод учун алоҳида тақдим этилади.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар электрон имзо билан тасдиқланган ёки «PDF» (portable document format) форматида сканер қилинган ҳолда жўнатилади.

7. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

8. Ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни келишиш масаласини кўриб чиқишда номзод билан ахборот хизматлари фаолияти соҳасига доир суҳбат ўтказилади.

9. Суҳбат тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади, бунда комиссия таркиби Агентликда директор томонидан, ҳудудий бошқармаларда эса бошқарма бошлиқлари томонидан камида беш кишидан иборат таркибда тасдиқланади.

10. Агентликда директорнинг соҳа бўйича масъул ўринбосари, ҳудудий бошқармаларда бошқарма бошлиқлари комиссия раиси ҳисобланади.

11. Комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш бўйича ташкилий масалалар ишчи орган томонидан амалга оширилади. Агентликнинг Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, ҳудудий бошқармаларда ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сектори тегишли комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади.

12. Ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни келишиш давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур Низомнинг 5-бандида

кўрсатилган ҳужжатлар Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларига келиб тушган санадан бошлаб ўн беш кун ичида амалга оширилади.

13. Ишчи орган томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида камчиликлар аниқланмаса, номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига суҳбат ўтказилишидан камида беш кун олдин суҳбат ўтказиладиган кун, вақти ва жойи ҳақида хабар берилади.

14. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларига келиб тушган санадан бошлаб беш иш куни ичида ишчи орган томонидан камчиликлар кўрсатилган ҳолда номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига хабар юборилади.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилишлари зарур.

15. Комиссия ишида аъзоларнинг камида ярми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

16. Суҳбат номзод билан унинг касбий фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳалари, ахборот хизматларига оид масалалар, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, давлат ва жамият ўртасида мулоқотни шакллантириш ва такомиллаштиришда кенг жамоатчилик назоратини ўрнатиш, замонавий ахборот майдонида кечаётган тенденцияларга оид таҳлилий ёндашув каби масалалар бўйича ўтказилади.

17. Суҳбат натижалари мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги суҳбат ўтказиш варақасида акс эттирилади.

18. Комиссия суҳбат натижалари юзасидан номзодни суҳбатдан ўтган ёки ўтмаган деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Комиссия қарорлари юзасидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

20. Суҳбатга кела олмайдиган номзодлар суҳбат бошлангунга қадар комиссиянинг ишчи органини хабардор қилишлари лозим. Бунда номзодлар комиссиянинг навбатдаги йиғилишида суҳбатга қўйилади.

21. Суҳбат натижаларига кўра номзоднинг суҳбатдан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги ҳолати бўйича ишчи орган икки иш куни ичида номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотини хабардор қилади.

22. Суҳбатдан ўта олмаган номзодлар бир ойдан сўнг қайта тавсия этилиши мумкин.

23. Суҳбатнинг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида, уни ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади, видеотасвир Агентлик ва ҳудудий бошқармаларда уч йил мобайнида сақланади.

24. Ахборот хизмати раҳбари лавозимидан озод этилганда, давлат органи

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва ташкилоти ўн иш куни муддатида Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларини хабардор қилади.

3-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот раҳбарини аттестациядан ўтказиш тартиби

25. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарлари тегишли равишда Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида ҳар уч йилда бир мартаба аттестациядан ўтади.

Биринчи марта лавозимга тайинланган ахборот хизмати раҳбари ушбу лавозимда уч йил ишлаганидан кейин аттестациядан ўтади. Бунда, ушбу ахборот хизмати раҳбари уч ойлик муддат ичида аттестациядан ўтказилиши керак.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар икки ойлик муддат ичида аттестациядан ўтиши керак.

26. Ахборот хизмати раҳбарини аттестациядан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 9 — 11-бандларига мувофиқ тартибда аттестация комиссияси ташкил этилади.

Аттестация комиссиялари таркибига давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалар вакиллари ҳам киритилиши, шунингдек ҳудудий бошқармаларидаги аттестация комиссиялари таркибига Агентлик вакиллари киритилиши мумкин.

27. Аттестация комиссияси раиси:
аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;
аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;
аттестациядан ўтувчиларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;
аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.
Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини раис ўринбосари бажаради.

28. Аттестация комиссиясининг ишчи органи:
аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;
аттестациядан ўтувчиларнинг анкеталарини шакллантиради ва тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда аттестациядан ўтувчиларга етказди;

аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

29. Аттестация комиссияси ишида аъзоларнинг камида ярми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

30. Аттестация комиссиясининг қарорлари, унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

31. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини аттестациядан ўтказиши учун Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларига хат юборади. Хатга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аттестациядан ўтувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси;
мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги аттестациядан ўтувчининг анкетаси.

Тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

32. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ бўлганда, аттестация комиссиясининг ишчи органи томонидан ўн иш куни ичида қўриб чиқилади, бунда аттестация ўтказилишидан камида беш иш куни олдин аттестацияни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари хабардор қилиниши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ бўлганда, аттестация улар тақдим этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида ўтказилади.

33. Аттестацияга кела олмайдиган аттестациядан ўтувчилар аттестация бошлангунга қадар аттестация комиссиясининг ишчи органини хабардор қилишлари лозим. Бунда аттестациядан ўтувчилар аттестация комиссиясининг навбатдаги йиғилишига қўйилади.

34. Аттестациядан ўтувчи билан унинг касбий фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳаси, шу жумладан ахборот хизматлари фаолияти соҳасига доир суҳбат ўтказилади.

Суҳбат жараёнида берилган саволлар ва аттестациядан ўтувчининг жавоблари, суҳбат натижалари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги суҳбат ўтказиш варақасида акс эттирилади.

Аттестацияда бериладиган саволлар рўйхати Агентлик директори томонидан тасдиқланади ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

35. Аттестация комиссияси аттестациядан ўтувчининг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

аттестациядан ўтувчини аттестациядан ўтган деб топиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

аттестациядан ўтувчини аттестациядан ўтмаган деб топиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

36. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

37. Аттестация натижалари бўйича баённома расмийлаштирилади.

38. Аттестация шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида, уни ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади, видеотасвир Агентлик ва ҳудудий бошқармаларда уч йил мобайнида сақланади.

39. Аттестациядан ўтган деб топилган ахборот хизмати раҳбарига аттес-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тациядан ўтгандан кейин икки кун муддатда мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

40. Аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳномаларни ҳисобга олиш Агентлик томонидан амалга оширилади.

41. Ахборот хизмати раҳбари аттестациядан ўтмаган деб топилганда давлат органи ва ташкилоти мазкур ходимни такроран аттестациядан ўтказиш учун аттестация ўтказилган кундан камида уч ой ўтгач мурожаат қилиши мумкин.

42. Аттестация комиссияларининг қарорлари юзасидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

43. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар ахборот хизмати раҳбари ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

44. Қайта расмийлаштириш пайтида аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши лозим, бунда аттестациядан ўтганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома бекор қилинади.

45. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, ахборот хизмати раҳбарининг аризасига кўра, ўн иш куни ичида унинг дубликати берилади.

46. Дубликатни беришда ахборот хизмати раҳбарига Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак.

47. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилиши ва дубликати берилиши учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

4-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш

48. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини мазкур Низомнинг 4-иловасида* келтирилган мезонлар асосида баҳолайди ҳамда уларнинг рейтингини юритади.

49. Ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш учун Агентлик директорининг буйруғи асосида баҳолаш комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия таркиби камида беш кишидан иборат бўлади. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

50. Комиссия қарорлари унинг аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

51. Комиссия мажлиси натижасида ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш ҳақида қарор қабул қилинади ва баённома тузилади.

52. Ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш учун ахборот хизмати раҳбарлари томонидан Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаларига мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган мезонлар бўйича маълумот тақдим этилади.

53. Комиссия ушбу Низомнинг 4-иловасида келтирилган мезонлар бўйича тақдим этилган маълумотлар асосида ҳар йили 20 январга ва 20 июлга қадар ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолайди ва уларнинг рейтингини тузади.

54. Ахборот хизмати раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш натижасида тўпланган балларнинг умумий йиғиндиси асосида қуйидагича эътироф этилади:

кўрсаткич миқдори 55 баллгача бўлса — паст даражада;

кўрсаткич миқдори 56 баллдан 71 баллгача бўлса — кониқарли даражада;

кўрсаткич миқдори 72 баллдан 85 баллгача бўлса — ўрта даражада;

кўрсаткич миқдори 86 баллдан 100 баллгача бўлса — юқори даражада.

55. Ахборот хизмати раҳбарлари рейтинги ахборот хизмати раҳбари томонидан тўпланган балларининг умумий йиғиндисидан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида Комиссия томонидан тасдиқланган жадвал кўринишида тузилади.

56. Агентлик ахборот хизмати раҳбарлари рейтингини рейтинг тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

57. Комиссиянинг қарорлари юзасидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

58. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

59. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 26 август

*Касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши раиси*

Қ. РАФИКОВ

2019 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

760 Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғриси-
даги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
22/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
14 сентябрдаги 22/7-сон қарорига
ИЛОВА

Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 8¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 9-банддаги «худудий бошқармасининг» деган сўзлар «худудий бош бошқармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 13-банддаги «30 календар» деган сўзлар «15 иш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

761 Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар кири- тиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон «Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон қарори (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ланган Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
22/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
14 сентябрдаги 22/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга
ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «фаолиятни» деган сўз «ишларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «операцияларнинг» деган сўз «ишларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

2. 2-иловадаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**762 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1075-4*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 30 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

га доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1075, 2001 йил 27 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги 7209/06-18-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2001 йил 28 сентябрдаги 04-6-сон «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1075, 2001 йил 27 октябрь);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2001 йил 21 июлдаги 4-сон «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1075-1, 2003 йил 9 август);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 2-сон «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1075-2, 2004 йил 16 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 5 февралдаги 1-сон «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1075-3, 2013 йил 11 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»

кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 октябрь,
447-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**763 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 2 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бўюраман:**

1. «Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 3052, 2018 йил 11 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 28 сентябрдаги 840/01-12-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 11 июлдаги 215-сон «Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 октябрда эълон қилинган.

(рўйхат рақами 3052, 2018 йил 11 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 октябрь,
448-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 28 сентябрдан 4 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 01-02/20-57-сон «Божхона органлари томонидан махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 835-1.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 97-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-1.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 437-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-2.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 438-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 344-В-2, 24-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-2.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 440-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 358-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 8-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 51-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-4.

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 99-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-7.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 13қ/к, 29-2019қ/қ-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3186.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 26 августдаги 324-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/7-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-10.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/8-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-3.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 447-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1075-4.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 448-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона органлари томонидан махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 835, 1999 йил 9 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 435-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг «Иқтисодиётдаги ноишлаб чиқариш тармоғидаги универсал касб мутахассислари ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядлар тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1027, 2001 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1027-1, 2013 йил 4 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 437-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг эгаларига ветеринария хизматини кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 358, 1997 йил 17 август), шунингдек уларга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 358-1, 2017 йил 24 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 440-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маб-

лағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3122, 2019 йил 18 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 443-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1075, 2001 йил 27 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1075-1, 2003 йил 9 август), (рўйхат рақами 1075-2, 2004 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1075-3, 2013 йил 11 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 447-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3052, 2018 йил 11 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 октябрдаги 448-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

